

Бешта хислат билан амаллар мукамал бўлади



08:00 / 01.10.2020 2234

Абу Бакр Абдуллоҳ Божий роҳматуллоҳу алайҳ айтади: «Бешта хислат билан амаллар мукамал бўлади: Аллоҳ азза ва жаллага иймон келтириш; ҳақиқатни таниш; Аллоҳ учун ихлос билан амал қилиш; суннатга мувофиқ амал қилиш ва ҳалол луқма ейиш. Агар улардан бири йўқ бўлса, амаллар кўтарилмайди, яъни қабул бўлмайди. Масалан, Аллоҳ азза ва жаллани таниб, ҳақиқатни танимасанг, фойда бермайди. Ҳақиқатни таниб, Аллоҳ азза ва жаллани танимасанг ҳам фойда топмайсан. Аллоҳни таниб, ҳақиқатни ҳам билсанг-у, ихлос билан амал қилмасанг, бу ҳам манфаатли бўлмайди. Аллоҳни таниб, ҳақиқатни ҳам билиб, ихлос билан амал қилсанг, лекин суннатга мувофиқ амал қилмасанг, бундан ҳам фойда йўқ. Ушбу тўрттага амал қилиб, аммо ҳалолдан емасанг, яна фойда топмайсан».

Ваҳб ибн Вирд айтади: «Агар сен мана бунга ўхшаш бир устун бўлган тақдирингда ҳам, қорнингга кираётган нарсанинг ҳалол-ҳаромлигига қарамасанг, бу сенга фойда бермайди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан